

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАСПАНОВА ЖЫГАГУЛ КЕНЖЕБАЕВНА

АЖИНИЁЗ ҚОСИБОЙ ЎҒЛИНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2022

УЎК: 37.17(09)(575.172)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Таспанова Жыгагул Кенжебаевна Ажиниёз Қосибой ўғлининг педагогик қарашлари.....	5
Таспанова Жыгагул Кенжебаевна Педагогические взгляды Ажинияза Косибай улы.....	25
Taspanova Jigagul Kenjebaevna Pedagogical views of Ajiniyaz Kosibay uli.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАСПАНОВА ЖЫГАГУЛ КЕНЖЕБАЕВНА

АЖИНИЁЗ ҚОСИБОЙ ЎҒЛИНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ped1175 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алеуов Усербай

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Адилов Бахтиёр Раҳмонович

педагогика фанлари доктори, профессор

Бекбергенова Зияда Утеповна

филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» ii куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2022 йил «17» iii куни тарқатилди.
(2022 йил «17» iv даги 36 рақамли реестр баённомаси).



Б.П.Отемуратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К.Курбаниязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқларининг тарихий-маданий меросини ўрганиш жараёнида миллий манбалардан фойдаланиш, таълим-тарбияга доир педагогик қарашларни тизимли ёндашув асосида ёритиб бериш, педагогика фани ривожини бирламчи манбалар орқали таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Маърифатпарвар педагог-олимларнинг таълим-тарбияга доир илғор ғоя ва қарашлари педагогика фанининг методологик асоси сифатида хизмат қилиб, янгича педагогик фикрлашни ривожлантириш, тарихий-педагогик билимларни замонавий шароитдаги аҳамиятини чуқур англашга ёрдам беради. Шунингдек, педагогик фикрлар тараққиётини тарихий-генетик, феноменологик, герменевтик ёндашувлар асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали ҳозирги даврда долзарб аҳамият касб этаётган таълим-тарбияга доир муаммоларга ечим топиш имкониятини юзага келтиради.

Дунёда қиёсий-чоғиштирма ёндашув асосида тарихий-педагогик мероснинг ўрни ва ролини очиб бериш, миллий таълим-тарбия ривожидagi этнопедагогик ўзига хосликларни аниқлаштириш, маърифатпарвар-олимларнинг педагогик қарашларидан умумтаълим ва ихтисослик фанларини ўқитишда самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишга доир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, миллий қадрият ва анъаналарга асосланган педагогик фикрларни ривожланишининг устувор йўналишларини очиб бериш, инсонпарварлик ва толерантлик педагогикасига доир ғоя ва қарашларнинг тарихан шаклланган шакл, метод ва усулларини тизимлаштириш, психологик-педагогик фанларни ўқитиш жараёнида тарихий-маданий меросдан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш алоҳида долзарблик касб этади.

Республикамизда бой тарихий, илмий, маънавий-интеллектуал меросимизни сақлаш, илмий таҳлил қилиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида соҳа мутахассисларига, тегишли таълим йўналишларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабаларга батафсил маълумот бериб бориш, буюк аллома ва мутафаккирларимиз асарларини дунё ҳамжамияти ўртасида кенг тарғиб этиш, замонавий илм-фан, маънавият ва амалиёт ривожидa ундан самарали фойдаланиш ва келгуси авлодларга етказиш¹га катта аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, маърифатпарвар-педагогларнинг адабий-илмий меросидан миллий педагогика ривожидa самарали фойдаланиш, таълим мазмунини такомиллаштиришда илғор педагогик тажрибалардан фойдаланиш бугунги кунда ҳам муҳим долзарблик касб этмоқда. Бу эса, Ажиниёз Қосибой ўғлининг ақлий, ахлоқий-эстетик, маънавий, жисмоний тарбияни ташкил этиш мазмуни, тамойиллари, қоидаларига доир миллий-этнопедагогик қарашларини очиб бериш, мутафаккирнинг ижтимоий интеллект ва компетентликни ривожлантириш, миллий тарбия усул ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 389-модда.

воситаларига доир дидактик ғояларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5848-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг юртимизда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-марифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мутафаккирнинг адабий меросларини тўплаш, кенг тарғиб қилиш, нашрга тайёрлаш ва илмий ўрганиш соҳасида кўпгина республикамиз олимлари меҳнат қилишди. Жумладан, С.Абдуллаев, Қ.Айымбетов, К.Алламбергенов, У.Алеуов, К.Амирбаев, Ж.Базарбаев, Қ.Байниязов, С.Бекназаров, К.Бердимуратов, Б.Генжемуратов, Г.Даўлетова, Н.Даўқараев, А.Ембергенов, Қ. Жаримбетов, Б.Исмайлов, А.Каримов, С.Маўленов, Қ.Мақсетов, К.Мәмбетов, Қ.Мәмбетназаров, А.Муртазаев, Қ.Пахратдинов, А.Пахратдинов, А.Пирназаров, Р.Реймов, И.Сағитов, С.Сейтимбетов, З.Сейитова, М.Султамуратов, Қ.Турдыбаев, Ҳ.Ҳамидов, Р.Хожамбергенов, Ш.Хожаниязов, К.Худайбергенов, Г.Ж.Шылманова, И.Юсупов, Б.Қалимбетов, Г.Қарлыбаеваларнинг тадқиқот ишларида масаланинг у ёки бу жиҳатлари умумлаштирилган.

Буюк мутафаккир мероси юзасидан баъзи хорижий мамлакатларда ҳам тадқиқотлар олиб борилган. Турк олимларидан Ziya Kurter, Turgut Tokat Feyza, С.Uygun, Dr. Irfan, Tagisai каби хорижлик тадқиқотчилар Ажиниёз бўйича алоҳида, баъзилари буюк мутафаккир Бердақ Қарғабай ўғли билан алоқадорликда тадқиқот ишларини юргизганлар. Жорий ишларда шоир меросидаги маънавий-ахлоқий масалалар талқин қилинсада, таълим-тарбияга оид қарашлари махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф1-005. “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ажиниёз Қосибой ўғлининг педагогик қарашларини тадқиқ этиш орқали миллий тарбия жараёнига татбиқ этишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ажиниёз Қосибой ўғли асарларидаги соғлом эътиқодни шакллантиришга доир ғояларни аниқлаштириш;

шоир асарларидаги ёшларда интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш усулларига доир қарашларнинг моҳиятини ёритиб бериш;

Ажиниёз Қосибой ўғли асарларида инсонпарварлик педагогикаси тамойиллари ва мезонларининг акс эттирилишини асослаш;

мутафаккирнинг педагогик қарашларидан замонавий таълим-тарбия жараёнларида фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ажиниёз Қосибой ўғлининг педагогик қарашлари ифода этилган асарлари танланди.

Тадқиқотнинг предметини Ажиниёз Қосибой ўғлининг педагогик қарашлари ифода этилган асарлари мазмуни, таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш шакл, метод ва воситалари танланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-чоғиштирма, контекстли таҳлил, синтез, герменевтик, сўровнома, тест, математик-статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Ажиниёз Қосибой ўғли асарларидаги соғлом эътиқодни шакллантиришга доир маърифатпарварлик, орифлик, ҳалимлик, саховатлилик, мурувватлилик каби фазилатлар олам ва инсониятни яхлитликда англаш билан боғлиқ педагогик амалиётга йўналтирилган “пансофийлик (донолик, оқиллик) ғояси” билан уйғун тарзда намоён бўлиши аниқлаштирилган;

шоир асарларидаги ёшларда интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга доир ақлни чархлаш, иродани чиниқтириш, тасаввурни бойитиш, мулоқотмандлик тарбиялаш каби усуллар эвристик фаолиятни ташкил этишнинг замонавий когнитив технологиялари таркибий асослари сифатида хизмат қилиши асосланган;

Ажиниёз Қосибой ўғли асарларидаги инсонпарварлик педагогикасининг қадриятли йўналганлик, субъективлик, яхлитлик тамойиллари, шахсий муваффақиятга эришиш, демократиклик, ўз-ўзини намоён этиш каби мезонлари шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида миллий ва ижтимоий онгни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқлаштирилган;

мутафаккирнинг комил инсон ғояси олға сурилган педагогик қарашларидан замонавий таълим-тарбия жараёнларида фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар асосида талабаларда ватанпарварлик, фуқаролик, ахлоқий, эстетик компетенцияларни ривожлантиришнинг концептуал-мазмунли модели такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ажиниёз Қосибой ўғлининг асарларидаги педагогик ғоялар мавзу ва мазмунига кўра таснифланган;

Ажиниёз Қосибой ўғлининг педагогик қарашларига доир ўқув материаллари тизимлаштирилган;

мутафаккирнинг маънавий-ахлоқий қарашларидан таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган “Адабиёт”, “Тарбия” фанлари бўйича ўқитувчилар учун қўлланмаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

шоир асарларидаги ватанпарварлик, ижтимоий, эстетик қарашлардан “Педагогика назарияси” фанининг “Тарбия назарияси” модулининг дидактик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога фалсафий, педагогик-психологик ёндашувлар ҳамда республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламлари, ОАК эътироф этган махсус ва хорижий журналларда чоп қилинган мақолалар; ОТМ да ўрганилаётган “Педагогика тарихи”, “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Педагогик фикрлар тараққиёти” фанларини ўқитиш жараёнида олиб борилган баҳс-мунозараларда талабаларнинг миллий ўзлигини англаши, таълим-тарбияга оид тарихий тушунчаларининг теранлашиб, ривожланиши; педагогик тажриба-синов материалларини математик статистика методи ёрдамида қайта ишлаш, хулоса ва тавсияларнинг, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ажиниёз Қосибой ўғлининг таълим-тарбиявий қарашлар масаласи илмий-назарий жиҳатдан ўрганилганлиги, “Педагогика тарихи”, “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Педагогик фикрлар тараққиёти” фанлари мазмунининг мутафаккир ғоялари билан бойитилганлиги, шоир асарларининг ёшлар онгида инсонпарварлик, мардлик, ватанпарварлик, саховатлилик, мурувватлилик фазилатларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг ёритиб берилганлиги, унинг педагогик ғоялари мавзу ва мазмунига кўра таснифланганлиги, Ажиниёз Қосибой ўғлининг педагогик қарашларига доир ўқув материалларининг тизимлаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ажиниёз Қосибой ўғлининг педагогик қарашларининг концептуал-мазмунли модели, мутафаккирнинг илғор таълимий-тарбиявий ғояларидан педагогик фанларни ўқитишда фойдаланиш йўлларининг ишлаб чиқилганлиги, тадқиқот материалларидан Қорақалпоғистон олий таълим муассасаларининг педагогика йўналишларида

Ажиниёз Қосибой ўғлининг педагогик қарашлари билан боғлиқ электив курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ажиниёз Қосибой ўғлининг педагогик қарашлари бўйича тадқиқот натижалари асосида:

Ажиниёз Қосибой ўғли асарларидаги соғлом эътиқодни шакллантиришга доир маърифатпарварлик, орифлик, ҳалимлик, саховатлилик, мурувватлилик каби фазилатларнинг олам ва инсониятни яхлитликда англаш билан боғлиқ педагогик амалиётга йўналтирилган “пансофийлик ғояси” билан уйғун тарзда намоён бўлишини аниқлаштириш, шоир асарларидаги ёшларда интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга доир ақлни чархлаш, иродани чиниқтириш, тасаввурни бойитиш, мулоқотмандлик тарбиялаш каби усуллар эвристик фаолиятни ташкил этишнинг замонавий когнитив технологиялари таркибий асослари сифатида хизмат қилишига доир таклиф ва тавсиялардан “Тарбия” фанини ўқитиш Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 25 февралдаги 01/11-02/02-240-сон маълумотномаси). Натижада, “Тарбия” фанини ўқитишда миллий қадрият, анъана ва умуминсоний фазилатлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Ажиниёз Қосибой ўғли асарларидаги инсонпарварлик педагогикасининг қадриятли йўналганлик, субъективлик, яхлитлик тамойиллари, шахсий муваффақиятга эришиш, демократиклик, ўз-ўзини намоён этиш каби мезонлари шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида миллий ва ижтимоий онгни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ эканлигини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Тарбия” фанини ўқитиш технологияси” қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 25 февралдаги 01/11-02/02-240-сон маълумотномаси). Натижада, “Тарбия” фанини ўқитишда илғор педагогик тажрибалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

мутафаккирнинг комил инсон ғояси олға сурилган педагогик қарашларидан замонавий таълим-тарбия жараёнларида фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар асосида такомиллаштирилган талабаларда ватанпарварлик, фуқаролик, ахлоқий, эстетик компетенцияларни ривожлантиришнинг концептуал-мазмунли моделидан ФА-Ф1- 005-рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 29 ноябрдаги 369/1-сон маълумотномаси). Натижада, Ажиниёз Қосибой ўғлининг панднома-дидактик ғояларини туркумлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 130 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Ажиниёзнинг ҳаёти ва унинг педагогик қарашларининг тарихий-ғоявий манбалари”** номли биринчи бобида Ажиниёз яшаган даврдаги тарихий шарт-шароит, маърифатпарвар педагогик қарашларининг ғоявий негизлари, Ажиниёз Қосибой ўғлининг таълим-тарбиявий қарашларининг такомиллашувида тасаввуф таълимотининг ўрни ёритиб берилган.

Ажиниёз Қосибой ўғли яшаган давр қорақалпоқларнинг Хива хонлиги таркибида бўлган ва Чор Россиянинг Ўрта Осиёга бостириб кирган даврга тўғри келади. Ўз-ўзидан аёнки, мазкур даврдаги тарихий шарт-шароит шоир ижодига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатган. Бироқ оиладаги илм-маърифатга чорлайдиган муҳитнинг мавжудлиги, кейинчалик Ажиниёзнинг Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олиши, Фирдавсий, Саъдий, Низомий, Алишер Навоий, Бедил, Фузулий, Махтимқули каби улуғ шоирлар ижодини ўқиб-ўрганиши унинг маърифатпарварлик фаолияти учун муҳим роль ўйнаган.

Ажиниёз мадрасани тамомлаб, охунлик лавозимига эга бўлгач, ўз қишлоғига келиб муаллимлик қила бошлайди. Ўқимишли, билимли охуннинг ушбу мактабига нафақат қишлоқ болалари, балки чекка қишлоқлардан ҳам ота-оналар фарзандларини олиб келишади. Шоир қишлоғида мударрислик қилишдан ташқари бахшичилик, қиссахонлик билан ҳам шуғулланади.

Шоирнинг ижтимоий-педагогик фаолияти умуммаданий компетентлик билан ҳам боғлиқ бўлиб, қозоқ, нўғай, бошқирд, татар ва рус халқларининг тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Унинг “Керак” (“Керек”), “Кўринг” (“Көриң”), “Чикди жон” (“Шықты жан”), “Қайдасан” (“Қайдасан”) каби шеърларида қардош халқларнинг ўрнатқан олиш мумкин бўлган хислатлари тилга олиб ўтилганлиги ана шундай хулосага келиш имконини беради.

Маърифатпарвар шоир ҳаёти ва ижодини таҳлил қилиш асосида унинг ижтимоий-педагогик фаолияти йўналишлари аниқлаштирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Ажиниёз Қосибой ўғли ижтимоий-педагогик фаолиятининг асосий йўналишлари

Ажиниёз педагогик қарашларида тасаввуф таълимоти, шу жумладан, комил инсон ғояси билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин тутди. Шоир тасаввуф таълимотининг Нақшбандия тариқати асосида комил инсон ва соғлом эътиқодни тарбиялаш масалаларини ўз асарларида маънавий-маърифий тарғибот кўринишида ифодалаган. Шоирнинг “Ғариб” ва “Зийўар” таҳаллуслари билан ижод қилиши ҳам бевосита тасаввуф таълимоти билан боғлиқдир. Чунки “ғариб” тушунчаси мурувват ва саховат кўрсатиш, маънавий етуклик билан бевосита боғлиқ бўлиб, “Зийўар (гўзал)” эса, зоҳирий ишқни ифода этиб, инсонни камолот сари интилишга даъват этади.

Ажиниёз Қосибой ўғлининг “Демишлар (Демишлер)”, “Кўринг (Көриң)” каби қатор шеърларида олға сурилган фикрлар воситасида соғлом эътиқодни шакллантиришга доир маърифатпарварлик, орифлик, ҳалимлик, саховатлилик, мурувватлилик каби фазилатлар олам ва инсониятни яхлитликда англаш билан боғлиқ педагогик амалиётга йўналтирилган “пансофийлик (донолик, оқиллик) ғояси” билан уйғун эканлиги ҳақидаги хулосага келинди. Мазкур жиҳат илмий педагогиканинг асосчиси Ян Амос Коменскийнинг асарларида илгари сурилган “пансофийлик (донолик, оқиллик) ғояси” билан ҳамоҳанг эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Қуйидаги жадвалда Ажиниёз Қосибой ўғли томонидан талқин қилинган оқилликка хос талабларнинг Коменский таълимоти билан ўзаро уйғунлигига гувоҳ бўлиш мумкин (1-жадвалга қаранг).

**Ажиниёз Қосибой ўғли ва Ян Амос Коменскийнинг “пансофийлик
(донолик, оқиллик) ғояси” бўйича етакчи тамойиллар**

Ажиниёз Қосибой ўғли асарларида илгари сурилган оқилликка хос талаблар	Ян Амос Коменскийнинг асарларидаги “пансофийлик ғояси”ни амалга ошириш билан боғлиқ тамойиллар
Қалб, иймон ва рух бирлиги	Рационал, эмоционал, интуитив билимларга асосланган таълимнинг учлик модели
Хушмуомалилик, мулоқотмандлик	Оламнинг яхлит манзарасини англаш билан боғлиқ диалогиклик
Диний ва дунёвий билимларни ўзлаштиришнинг ориф инсонга хослиги	Илмлар, таълим турлари орасидаги фанлараро алоқадорлик
Илм йўлининг серқирралиги ва маърифат йўлининг машаққатли эканлиги	Назарий билимларнинг амалиёт билан уйғунлиги
Илм-маърифат орқали инсоннинг комилликка эришуви	Турли фанларнинг мақсади умумий ривожланиш учун хизмат қилиши

Шоир асарларида ўсиб келаётган авлодда ҳаётий мақсадларни шакллантириш, ўз-ўзини англаш, билиш, тушуниш, акме шахсга айланиш каби замонавий методологик ёндашувларни образли ифода этган. Маърифатпарвар “Тақдир худодан, қисмат эса инсондан” ғоясини ўз шеърларида олға сурар экан, тарбия жараёнини ташкил этишга доир фалсафий-антропологик ва акмеологик ёндашувларга алоҳида эътибор қаратган. Айниқса, шоир асарларидаги ёшларда интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришда меҳнат орқали ўз руҳини соғломлаштириш, ақлни чархлаш, иродани чиниқтириш, олам ва одам ҳақидаги тасаввурларни бойитиш масалалари когнитив таълим парадигмаси билан уйғун эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

“Тақдир азалий, ризқ боқий” (*“Тағдир эзелий, ырысқы жадалиий”*) нақлини шеърларида бир неча марта такрор ва такрор қўллар экан, шоир инсон ўзининг ақли, иймони ва иродаси орқали ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтиши, мулоқот воситасида ижтимоий мослашув кўникмаларига эга бўлиши лозимлигини ҳам қайд этиб ўтган. “Даврон бўлмади” (*“Дәўран болмады”*) номли шеърда фалсафанинг диалектик назарияси ва эзотерик таълим парадигмасига мувофиқ, “сирли”, “яширин” оламини англаш, табиий-илмий дунёқарашни кенгайтириш учун инсон эвристик фаолиятни ўзи учун етакчи омил сифатида қабул қилиши лозимлигини таъкидлаб ўтган.

Ажиниёз ижодида инсонпарварлик ғоялари ҳам етакчи ўрин тутиб, халқпарварлик, одиллик, шаффофлик, холислик каби ахлоқий мезонлар бадий ифодаларда содда ва тушунарли баён этилган. Жумладан, унинг асарларида “одам ким бўлишидан ва қайси динга мансуб бўлишидан қатъи

назар, у золимлик билан шуғулланса, бошқа кишиларга душманлик қилса, бундайлар инсон эмас” ғояси ёрқин намоён бўлади. Педагогикада шахс ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви масаласи ўрганилар экан, “одам”, “инсон”, “шахс” тушунчаларига алоҳида изоҳ бериш талаб этилади. “Умумий педагогика” фанидаги мазкур мавзунини ўрганишда таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган таълим йўналишларида шоирнинг фалсафий-педагогик қарашларидан самарали фойдаланиш мумкин.

Шоир ижодида инсонпарварлик педагогикаси ғояларининг ифода этилиши таҳлили унинг Ҳазрат Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганганлиги, “адолатли жамият”, “адолатли ҳукмдор” тушунчалари орқали замонавий жамият ривожининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган “бахтлилик индекси”га кўп ишора қилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ажиниёз ўзининг “Бўлмаса” (“*Болмаса*”) шеърида мамлакат ҳукмдори – подшоҳга мурожаат қилиб, ўз халқи, илм-маърифат аҳлига инсонпарвар муносабатда бўлиш лозимлигини талаб қилади. Агар подшоҳ адолатсиз ва золим бўлса:

Мўллалар хун чекиб хатларини ёзар,
Бўйнида фотаси, дарвиш эл кезар,
Бош-бошига бўлиб фуқаро тўзар,
Ҳар юртнинг подшоҳи одил бўлмаса.

*(Моллалар хун чекип хатларын язар,
Бойнында фотасы, дәрўиш ел гезер,
Баш-башына болып пухара тозар,
Ҳәр йўртның патшасы әдил болмаса).*

Ажиниёз ижодидаги инсонпарварлик ғоялари сингдирилган нарратив (қиссахонлик) материаллардан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейларда “Тарбия”, олий таълим муассасаларида маънавий тарбия, психологик-педагогик фанларни ўқитишда самарали фойдаланиш мумкин. Юқорида келтириб ўтилган айрим намуналар мазкур фикрни тўлиқ тасдиқлайди.

Диссертациянинг “**Ажиниёз Қосибой ўғлининг таълим-тарбияга доир ғоялари ва улардан фойдаланиш йўллари**” деб номланган иккинчи бобида Ажиниёзнинг тарбиявий, дидактик қарашлари, концептуал-мазмунли модели ёритиб берилган.

Ажиниёз ижодининг катта қисмини жамиятни педагогизациялаш ғояси ташкил этади. Педагогиканинг инсон капиталини яратишдаги асосий ўрин тутиши, шахсга йўналтирилган таълим-тарбиянинг инсон камолотидаги аҳамиятини шоир ўз ғоялари орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Ёшларни олийжаноб хислатлар эгаси қилиб тарбиялаш жамият аъзоларининг умумий тарбиявий мақсади эканлигини ёрқин фикрлар орқали уқтириб ўтади: ҳар бир фарзанд ота-она учун “кўнгилик қувончи, жигарбанди” (“*Көңлиниң қуўанышы, жигер бәнди*”), авлодлар давомчисидир.

Мутафаккир “Бўлурми” шеърида ёшларни оилапарварликка тайёрлаш, ота-оналик вазифасининг жамият ривожига учун муҳим ўрин тутишини ҳам ўзининг фамилистик ғояларида етакчи ўринга қўяди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир уйнинг “Ўғил-қизи бўлиб, яна бой бўлса, ёлғончи дунёда армон бўлурми?” (“*Уғлы-қизи болуб, йанә бай бўлса, яланчи дуньяда арман болурми*”). Шу ўринда мутафаккирнинг гендер тенглик ва маданият масаласидаги фикрлари ҳам бугунги кун билан ҳамоҳангдир. Унинг нуқтаи назарича, жамият учун ўғил ҳам, қиз ҳам бирдек зарур, тенг ҳурматга лойиқдир, инсон эркак ёки аёл бўлишига қарамасдан жамиятда бир хил мақомга эга бўлиши лозим: “Одам ўғли – барчаси одам” (“*Адам улы – бәри адам*”).

Шоир ўзининг “Барча бирдек бўлган эмас” (“*Бәрше бирдей болган емес*”) номли шеърида тарбия жараёнини ташкил этишга индивидуал ва табақалашган ёндашувни татбиқ этиш лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, бола она қорнидаёқ тарбияга муҳтождир. Бола туғилганидан кейин унга мақсадли, узлуксиз ва тизимли тарбия бермоқ лозим. Шу ўринда шоир шахс тарбиясининг ҳам генетик, ҳам ижтимоий жиҳатларини ҳисобга олиш лозимлигига ҳам алоҳида урғу берганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ажиниёз йигитларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонлик қилишдан тийилишга чақиради. Оила этикаси ва психологиясига доир билимлардан хабардор бўлмаслик, масъулиятсизлик охир-оқибат асоциал (ижтимоий хатарли) оилаларнинг пайдо бўлишига замин яратишини “Йигитлар” (“*Йигитлер*”) шеърида ифода этган. Боланинг социумда ривожланиши масаласи билан боғлиқ ижтимоий-педагогик қарашларини “Бахт” (“*Бахыт*”) шеъри орқали баён этган. Шоирнинг фикрича, бола салбий иллатларга эга кишилар билан бирга бўлса, унинг келажаги хавф остида қолади. Мардлик, жасорат, элпарварлик сифатлари унинг учун ёт тушунчаларга айланиб, “маънавий бегоналашув” юзага келади.

Мутафаккир ижодида ёшларни дўстлик ва ўртоқлик руҳида тарбиялаш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутди. Шоир жамият ҳаётида инсонларнинг ўзаро дўстона муносабатда бўлишига алоҳида аҳамият қаратади. Сабаби инсонлар орасидаги ўзаро дўстлик, иноқлик ва биродарлик жамиятдаги муҳитни инсоний муносабатлар асосида қуришга хизмат қилади. Иноқлик, аҳиллик ва ўзаро ҳамжиҳатлик йўқ жойда жамият тараққий этмайди, аксинча бошбошдоқлик, маънавий таназзул юзага келади. Мазкур йўналишда Ажиниёз Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” ва “Гулистон” шеърий рисолаларидаги сингари панднома руҳидаги мақол ва маталлардан самарали фойдаланган: “ҳеч кимга бўлмаган улфат, мевасиз бир дарахтга тенгдир” (“ҳеш кимге болмаған үлпет, мийўасыз бир талға мегзер”); “яхши дўстинг бўлар ўлгунча мадад” (“*достың болар өлгениңше мәдети*”); “дўст бўлиб дўстидан гапни яширган, дўстга ҳилоф қилиб ёлғон сўзлаган” (“*дос болып досынан гәпин гизнеген, досқа қылап қылып ялған сөйлеген*”); “ёмон

одам дўстдан қочар, воз кечар” (“*яман адам достдын қашар, ўаз кешер*”); “юрма номард йўлдош билан” (“*йўрме намард йолдаш билә*”); “кадрини билар бир кадрдон изласа” (“*қәдирин биләр бир қәдирдан изләсә*”), “номахрамни асло йўлдош тутма” (“*нәмәхрәмди ҳәсла жолдас тутма*”) ва бошқалар.

Ажиниёз тарбиявий қарашларида байналмилаллик, миллатлараро мулоқот маданияти, толерантлик педагогикасига доир фикрлар ҳам катта ўрин эгаллайди. Жумладан, мутафаккир Қиз Менеш билан айтишувда тарихий шажараларга асосланиб, қозоқ, қорақалпоқ халқлари тарихан келиб чиқиши бир илдизга бориб туташишини алоҳида таъкидлаб ўтади (“қорақалпоқ қозоқ билан тенгма-тенг юрт” (“*қарақалпақ қазақ пенен теңбе-тең журт*”). Шу билан бирга, шоир барча миллатлар ўзининг тили, маданияти, урф-одати, анъаналари билан миллий идентикликка эгалиги ва умуминсоний қадриятлар орқали ўзаро уйғун эканлигини ҳам баён этган.

Мутафаккир ўзининг тарбиявий қарашлари билан чинакам маънода ватанпарвар, халқпарвар эканлигини яққол намоён этган. Унинг юртпарварликка доир қарашларидан айна пайтда ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик, фуқаролик компетенцияларини шакллантиришда ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Унинг қуйидаги мисралари бунинг ёрқин мисолидир:

Ер ҳам эл биландур, эл ҳам ер билан,

Ерсиз элнинг куни дарбадар билан.


(Жер ҳам ел билендур, ел ҳам жер билән,

Жерсиз елдиң күни дәрбедәр билән).

Шоир ижодида ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ бундай ҳикматли фикрларни кўплаб учратиш мумкин: “юртидан айро тушган девона бўлур” (“*Елинен айрылган дийўана болатугынын*”); “ўзга юртда мусофирлик қилгандан, ўриб сени хўрласа ҳам, она юрт яхши” (“*жат еллерде мүсәпирлик шекеннен, урып соғып қорласа да ел жақсы*”); ҳар ким ўз юртида давлатли султонга тенгдир” (“*ҳәр ким өз йуртында дәўлетли султанга меңзең*”); “ҳар кимнинг ўзига Мисрдур жойи (“*ҳәр кимниң өзине Мысырды жайы*”) ва бошқалар.

Ажиниёз ўзининг педагогик қарашларида миллий тарбия усулларига ҳам тўхталиб ўтган. Айниқса, одатлантириш, алқаш, мақташ, бошини силаш, ҳурмат кўрсатиш, уқтириш, панд-насихат, инонтириш, ҳазил-мутойиба, ўрнатқан кўрсатиш каби қатор тарбия усулларининг аҳамиятини бадиий образлар орқали очиқ беришга ҳаракат қилган. Унинг “Элмуродга” (“*Елмуратқа*”), “Ёронлар” (“*Яранлар*”), “Хўроз кампирга” (“*Қораз кемпирге*”), Ойзодага (“*Айзадага*”), “Керакдур” (“*Керекти*”), “Бордур” (“*Бардур*”), “Бўлмаса” (“*Болмаса*”) каби шеърларида миллий тарбия усулларидан моҳирона фойдаланилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ажиниёз ижодини контекстли таҳлил қилиш асосида унинг тарбиявий қарашларининг асосий йўналишлари қуйидаги тарзда тизимлаштирилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Ажиниёз Қосибой ўғлининг тарбиявий қарашларининг асосий йўналишлари

Ажиниёзнинг дидактик қарашлари бевосита унинг мактабдорлик фаолияти билан боғлиқ. Шоирнинг таъкидлашича, ёшлар болалиқдан билимли, зукко бўлишга интилса, келажакда улар ақлан етук бўлиб, ижобий хулқ-атвори, билими билан юртнинг обрў-эътиборини оширади.

Ажиниёз ўзи ташкил этган бошланғич мактабда ёшлар онгига турли фанлардан илмий-табиий тушунчаларни сингдиришга бор куч-ғайратини ва имкониятларини ишга солиб, “илмни кенг тарғиб-ташвиқ” (“*илимни айтты ҳаряна*”) қилган. Мутафаккир фикрича, ҳар бир ўқитувчи ўзи олган билимларни шогирдларига ўргатиши керак. Шу мақсадда у устозлар, уламолар, мударрисларга қарата “мулла бўлсанг, илмингни зое қилма”, деган хитоб билан мурожаат қилади. Шунингдек, ҳар бир устоз ўз дарсини амалиёт билан боғлаб ўтиши, ёшларга билимларни тизимли ўргатиб, уларнинг билишга қизиқишини ошириши, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириб бориши лозимлиги каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Шоир дидактик қарашларида бадиий ва профессионал таълим уйғунлиги масаласи ҳам етакчи ўрин тутди. У билим ҳунарни, ҳунар эса билимни бойитиб, бири иккинчисининг ўрнини тўлдириб боради, деган фикрни илгари сурган. Жумладан, “Мегзар” шеърида: “Меҳр билан қарамас ҳеч ким, Ҳунар билим бокқа тенгдир” (“*Ҳешким аяп нэзер салмас, Өнер билим бағқа мегзар*”), деб билим ва ҳунар жамият ривожини учун меваги боғдек хизмат қилишини уқтиради.

Маърифатпарвар ўз даврида гендер тенгликка асосланган таълимни амалга оширишга ҳам қатъият билан ёндашган. Ўзи ташкил этган мактабда ўғил ва қиз болаларнинг биргаликда таълим олиши, айниқса қизларнинг саводхон ва ўқимишли бўлишига алоҳида эътибор қаратган. Шоир ўзининг алифбога бағишлаб ёзган “Ай-Алиф” шеърида ҳам қизларни ўқишга қизиқишини оширишни мақсад қилган. Шунинг учун араб алифбосидаги ҳар бир ҳарф учун ёзилган мисраларда ошиқ-қизга мурожаат яққол сезилиб туради:

Ай – алифким, оқ юзингдир айни олам анвари,

Бе – белингдир хипча, дилбар, кўзинг оху сингари,
Те – тишингдир дона-дона, лабларингнинг боллари.
Се – сўриб ширин лабинг жон оладурман, эй пари,
Жим – жамолинг кўрмаганча зор-гирён Зевари...

Шоир асарларини таҳлил қилиш асосида Ажиниёз фанларни ҳам таснифлашга ўзига хос ёндашганлигига гувоҳ бўламиз. У илмни иккига ажратган: диний (“ҳол”) ва дунёвий (“қол”). Шоир дунё олти минг одамзот, шунча нафар наботот ва ҳайвонот олаmidан иборат эканлиги, шунинг учун илм-фан, ўн саккиз минг олам, бутун дунёни яхлит ўрганиши кераклигини ҳам уқтириб ўтган.

Ажиниёз ўзининг дидактик қарашларида жамият тарихи, унинг мазмуни, ривожланиш моҳиятини тўғри англаш учун уни ёшларни батафсил билмоғи зарурлигини алоҳида таъкидлайди. “Тарих деганда халқнинг жамиятда яшаш тажрибалари”ни тушунган Ажиниёз инсоният тарихини билиш ҳозирги (ўз замонидаги – таъкид бизники) ҳаёт ва ижтимоий фарқларни чуқурроқ англаш учун ҳам зарур, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, халқ инсоният тарихини яхши билса, жамият ҳаётини ижобий томонга ўзгаради, ўтмиш тарихни ҳозирги ҳаёт билан боғлаб тушунтиради, ўзаро фарқларни ажратиш, зарур тажрибалардан фойдаланиш имконини беради. Ажиниёзнинг ўзи ҳам тарихга қизиқиб, уни яхши билган. Ёшларга инсоният тарихини билиш ўз даври ҳодисаларини тўғри баҳолашга яқиндан ёрдам беришини таъкидлаб:


Тарихни ўргандим, ҳар кимдан сўраб,
Эски китобларнинг ичини қараб,
Ақл-ўйим кетди ҳар ёққа тараф,
Дунёга донолар даркор демишлар

*(Тарийхты ўргэндим ҳәркимдин сорап,
Ески китаплардын, ишлерин қарап,
Ақыл ойым сәнди ҳәр жаққа тарап,
Дуньяга даналар дәркар демишлер)* - деб ёзади.

Мутафаккирнинг дидактик қарашларида тарих фани методологиясига доир маълумотлар ҳам кўзга ташланади. Шоир тарих фани билан боғлиқ қарашларида уни тадқиқ этишнинг илмий усулларини ҳам тилга олиб ўтган. У тарих илмининг қуйидаги тадқиқий усулларини таклиф этган: оғзаки ва ёзма. Оғзаки тарихни ҳамма вақт ҳам ишончли манба бўлиб хизмат қилмаслигини англаган мутафаккир бир нечта нуқтаи назарларни таққослаб, сўнгра хулоса чиқариш кераклигини таъкидлаб ўтган. Ёзма манбалар асосида тарихий билимларни ўрганишда ҳам бирламчи манбаларга катта аҳамият қаратиш зарурлигини қайд этиб ўтган.

Умуман олганда, Ажиниёз Қосибой ўғлининг дидактик қарашлари мазмуни ва йўналишига кўра турфа хил жиҳатларни ўзида акс эттириб, шоирни дидакт-олим деб эътироф этиш ҳақидаги хулосага келишга ҳам имкон беради.

Ажиниёз Қосибой ўғлининг таълим-тарбияга доир қарашларини таҳлил этиш орқали тадқиқот доирасида ундан фойдаланишнинг концептуал-мазмунли модели ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Ажиниёз Қосибой ўғлининг таълим-тарбияга доир қарашлари ва ундан фойдаланишнинг концептуал-мазмунли модели

Тадқиқот доирасида Ажиниёз Қосибой ўғлининг таълим-тарбияга доир қарашларидан “Умумий педагогика” фанининг “Тарбия назарияси” ва “Педагогика тарихи” курсларини ўқитиш ҳамда “Ёш педагог” тўғараги бўйича машғулотларни ўтказиш жараёнида фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Ажиниёз Қосибой ўғлининг педагогик қарашларидан фойдаланиш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида узлуксиз таълимда маърифатпарвар ижодининг ўрганилиш ҳолати ва тажриба-синов ишлари натижалари ёритиб берилган.

Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг “Ўқиш китоби” ва “Адабиёт” фанлари бўйича ўқув дастурлари ва дарсликлариди Ажиниёз Қосибой ўғлининг адабий меросини ўрганиш бўйича ўқув материаллари тақдим этилган. Жумладан, 4 синф учун “Ўқиш китоби”да Ажиниёзнинг “Керак” шеъри ўрин олган, уни ўрганишга бир соат ажратилган. Шунингдек, 5 синф учун “Адабиёт” дарслигининг “Йигит қалқон бўлар она юртига” бўлимида шоирнинг “Борди” номли шеърини ўрганиш учун 1 соат вақт ажратилган. 8 синф “Адабиёт” дарслигига “Айрилса”, “Яхши”, “Даврон бўлмади”, “Ажиниёзнинг қиз Менеш билан айтишуви” шеърлари киритилган ва уларни ўрганиш учун 4 соат ажратилган. 10 синф учун ёзилган “Адабиёт” дарслигида Ажиниёз ҳаёти ва ижодини кенг ўрганиш кўрсатилган. Жумладан, “Бордир”, “Керак”, “Нима билсин”, “Тўзаллар”, “Саўдигим” шеърларини ўрганиш кўзда тутилган.

